



СУВ ТАЪМИНОТИ КОРХОНАЛАРИДА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ
КАЛЬКУЛЯЦИЯЛАШНИНГ ТАРМОҚ ХУСУСИЯТИ

Абдужаборова Маъмура Тошмухамедовна -
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети доценти

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a41](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a41)

Аннотация. Мазкур мақолада сув таъминоти корхоналарида хизмат таннархини аниқлашнинг хусусиятлари ва уни камайтириш йўналишлари ёритилган. Сув таъминоти корхоналарида хизмат таннархини аниқлашнинг амалдаги тартиби ва унинг таркиби ўрганилган. Соҳа корхоналарида хизмат таннархини ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари бўйича аниқлашнинг зарурати, аҳамияти ва унинг алгоритми таклиф этилган. Хизмат таннархини камайтириш бўйича хорижий иқтисодчи олимлар ёндашуви ва муаллифнинг таклифлари келтирилган.

Калит сўзлар: сув таъминоти соҳаси, сув таъминоти хизмати, канализация хизмати, таъриф сиёсати, хизмат таннархи, сув сарфи.

ОТРАСЛЕВАЯ ОСОБЕННОСТЬ РАСЧЕТА СЕБЕСТОИМОСТИ ПРОДУКЦИИ
НА ПРЕДПРИЯТИЯХ ВОДОСНАБЖЕНИЯ

Абдужаборова Маъмура Тошмухамедовна,
доцент Ташкентского государственного
экономического университета

Аннотация. В данной статье описаны особенности определения стоимости услуг в компаниях водоснабжения и способы ее снижения. Изучен действующий порядок определения стоимости услуг в водопроводных компаниях и его состав. Предложены необходимость, важность и алгоритм определения стоимости услуг в отрасли по технологическим процессам производства. Приведен подход зарубежных экономистов и авторские предложения по снижению стоимости услуг.

Ключевые слова: сектор водоснабжения, услуга водоснабжение, канализационная услуга, тарифная политика, себестоимость услуги, расход воды.

SECTORAL FEATURE OF CALCULATING THE COST OF PRODUCTION
AT WATER SUPPLY ENTERPRISES

Abdujaborova Mamura Toshmuxamadovna -
assistant professor of Tashkent State University of Economics

Abstract. This article describes the specifics of determining the cost of services in water supply companies and ways to reduce it. The current procedure for determining the cost of services in water supply companies and its composition have been studied. The necessity, importance and algorithm for determining the cost of services in the industry by technological production processes are proposed. The approach of foreign economists and author's proposals for reducing the cost of services are presented.

Key words: water supply sector, water supply service, sewerage service, tariff policy, service cost, water consumption.

Кириш. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида сув таъминоти соҳасида фаолият юритаётган корхоналарда харажатларни камайтириш ва таннархни пасайтириш ҳозирги кунда асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4040-сонли қарорида келтирилганидек, “...харажатларни ва таннархни пасайтириш, маҳаллийлаштириш ва рентабеллик даражасини, маҳсулот рақобатбардошлигини сўзсиз ошириш” вазифасини ҳал этиш лозим [1]. Мазкур вазифанинг ижросини таъминлашда сув таъминоти соҳасида фаолият юритаётган корхоналарда хизматлар таннархини тўғри шакллантириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар таҳлили. Иқтисодчи олим Ж.Э.Бадмажапова ўз илмий тадқиқотида сув таъминоти корхонаси нуқтаи назаридан тариф ўз ичига таннарх ва фойдани олишини таъкидлаган. Унинг илмий талқинига биноан фойда рентабелликни таъминлашга олиб келади ҳамда бошқа тадбиркорлик субъектлари сингари сув таъминоти хизматларини кўрсатувчиларнинг ҳам асосий мақсади максимал фойда олишдир [3].

Е.В.Липатова ўз илмий тадқиқотида таъкидлаганидек, сув сарфи, йўқотилиши, харажатларининг камайишига аҳоли сув истеъмоли бўйича сув ҳисоблагичлардан фойдаланиши жиддий таъсир кўрсатади. Унинг тадқиқотига биноан сув таъминоти тизимининг харажатлари, асосан, сувни етказиб бериш ва тақсимлаш тизими иншоотларини қуриш ва эксплуатация

қилишга тўғри келади, шунингдек, ушбу харажатлар коммунал сув таъминоти тизимидаги харажатларнинг 70 %ини ташкил этади [6].

Ю.С.Гембик, С.А.Городкова ўз илмий ишларида сув таъминоти ва канализация соҳасида ўзгарувчан харажатлар жами таннархнинг 20 %га яқинини ташкил этишини келтиришган [4]. Шу жумладан, меҳнат ҳақи харажатлари сув таъминоти корхоналари харажатлари таркибида сезиларли салмоқни (10-42 %) эгаллайди [5].

Шунингдек, хорижлик иқтисодчи олим Д.А.Мельнов сув таъминоти тизимини реконструкция ва модернизация қилиш шароитида ишлар самарадорлигини ошириш учун сифат назорати тизимини жорий қилиш ҳамда ҳар бир технолог жараян бўйича масъуллар жавобгарлигини ошириш ўринлидир, деб ҳисоблайди [7].

Бир гуруҳ хорижлик иқтисодчи олимлар сув таъминоти тизимида энергия истеъмолини камайтиришнинг бир неча йўналишларини кўрсатиб ўтишган [8]:

- аварияларни ўз вақтида бартараф этиш ҳамда ускуналарни жорий ва капитал таъмирлаш йўли билан сув оқишлари ва ундан нооқилона фойдаланишни бартараф этиш;

- ҳисоб ва назорат қурилмаларини ўрнатиш орқали сув сарфи назоратини кучайтириш;

- насос ускуналарини алмаштириш ёки босимни тартибга солиш мосламаларини ўрнатиш орқали сув таъминоти тизимида босим мониторингини ўтказиш ва ортиқча босимни камайтириш;

- сув истеъмолини камайтириш учун ўхшаш ишлаб чиқариш соҳаларини ўрганиб, мавжуд имкониятлардан фойдаланиш;

- тармоқ ишини мониторинг қилиш асоси-да сув узатиш режимини оптимизация қилиш лозим.

Ю.А.Феофановнинг фикрича, сув таъминоти тизимида энергия истеъмоли ва мувофиқан коммунал хизматлар таннархи камайишининг асосий йўллари сув истеъмоли ва сув босимини камайтиришдир. Сув таъминоти тизимида энергия харажатларини камайтиришнинг йўллари-дан бири сув йўқотилиши ва сувдан нооқилона фойдаланиш сабабларини бартараф этишдир. Улар сув қувурлари ташқи тизимида қувурлардаги таъмирталаб ускуналарни таъмирлаш тармоқдаги авария харажатларининг камайишига олиб келади, деб ҳисоблайди. Тадқиқотлар натижасига кўра, авария ҳолатларини бартараф этиш харажатлари режавий-тиклаш харажатларидан 2,5-3 баробар кўпроқдир. Улар сув истеъмоли тузилмасини тизимдаги фойдали сув истеъмоли ва сув йўқотилиши кўринишида тасвирлаш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Шунингдек, таъкидлаш лозимки, сув йўқотилишининг асосий қисми кўрсатилаётган хизмат таннархи

ҳамда сув таъминоти тарифларига киритилади ҳамда истеъmolчилар томонидан тўланади.


Тадқиқот методологияси. Сув таъминоти ва канализация хизмати корхоналари фаолияти тизимли таҳлили шунингдек, кўрсатадики, соҳа сувни олиш, тозалаш, етказиб бериш, ифлосланган сувни йиғиш, уни тозалаш иншоотларига етказиш ва сув ҳавзаларига тозаланган ҳолда қайтариш билан боғлиқ функцияларни бажарувчи ёпиқ тизим кўринишини олган.

Янги тартибга мувофиқ, сув таъминоти ва оқова сув хизматлари учун тарифларни ўрнатиш тартибда шакллантириш ва белгилашда истеъmolчилар учун кўрсатиладиган хизматлар таннархини тўлиқ қоплаш назарда тутилади, шунингдек, сув таъминоти ва оқова сув ташкилотларини ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш харажатлари ҳисобга олинади. Фикримизча, сув таъминоти корхоналарида хизматлар таннархини калькуляциялашнинг хусусиятлари қуйидагилардан иборат (1-расм):


Сув таъминоти корхоналарида энергия истеъmolчининг юқори даражада эканлиги, эскирган тармоқларнинг ўз вақтида модернизация қилинмаганлиги, моддий рағбатлантириш даражаси пастлиги сабаб соҳада малакали мутахассислар ва ишчилар етишмаслиги, ахборот-коммуникация технологиялари изчил жорий қилинмаганлиги, моддий техника базаси ривожланмаганлиги туфайли тизимда муаммолар келиб чиқмоқда.

Тадқиқотлардан кўринадик, маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш харажатларининг амалдаги таснифида сув таъминоти корхоналари хизматлари таннархини шакллантиришда тармоқ хусусиятлари акс эттирилмаган. Бизнинг фикримизча, соҳа корхоналарининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда сув таъминоти корхоналарида харажатлар сувни олиш, тозалаш ва етказиб бериш харажатларига ажратилиши лозим (2-расм). Бу эса харажатларни оптималлаштиришга олиб келади деб, ҳисоблаймиз.

Фикримизча, ҳар бир объект ва жараян бўйича харажатларнинг алоҳида жамланиши орқали ҳар бир жараян бўйича хизмат таннархини аниқлаш мумкин. Бундай ҳисобни юритиш учун биз томонимиздан махсус шакл (4-с шакл) тавсия этилади. Мазкур шакл ишлаб чиқариш харажатларини иқтисодий элементлари бўйича объектлар ва жараянлар кесимида ҳисобга олиш имконини яратади. Назаримизда сув таъминоти корхоналарида харажатларни ҳисоблаш ва асосланмаган йўқотишларни аниқлаш мақсадида мунтазам текширувларни ўтказиш катта харажатларни талаб этгани боис мураккаб жараян ҳисобланади. Шунингдек, бу жараянга ихтисослаштирилган корхоналарни жалб этиш қўшимча харажатларни талаб этади.



1-расм. Сув таъминоти корхоналарида хизматлар таннархини калькуляциялашнинг хусусиятлари [9]



2-расм. Сув таъминоти корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини технологик жараёнлар бўйича ҳисобга олиш схемаси [9]

Ишлаб чиқариш харажатларини объектлар ва ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари бўйича ҳисобга олиш [10]

№	Объект номи	Технологик жараёнлар	Моддий харажатлар	Иш ҳақи харажатлари	Ижтимоий суғурта ажратмалари	Амортизация ажратмалари	Бошқа харажатлар	Жами:
1.	1-объект	Сувни олиш	1216418	418816,9	50258,03	66715,548	52504,14	1804712,71
		Сувни тозалаш	810945,4	279211,26	33505,35	44477,032	35002,76	1203141,81
		Етказиб бериш	2027364	698028,16	83763,38	111192,58	87506,9	3007854,52
2.	2-объект	Сувни олиш	912313,5	314112,67	37693,52	50036,661	39378,11	1353534,46
		Сувни тозалаш	608209	209408,45	25129,01	33357,774	26252,07	902356,306
		Етказиб бериш	1520523	523521,12	62822,54	83394,435	65630,18	2255890,77
3.	3-объект	Сувни олиш	608209,2	209408,45	25129,01	33357,774	26252,07	902356,506
		Сувни тозалаш	405472,8	139605,63	16752,68	22238,516	17501,38	601571,004
		Етказиб бериш	1013682	349014,08	41881,69	55596,29	43753,45	1503927,51
4.	4-объект	Сувни олиш	304104,6	104704,22	12564,51	16678,887	13126,04	451178,253
		Сувни тозалаш	202736,4	69802,816	8376,338	11119,258	8750,69	300785,502
		Етказиб бериш	506841	174507,04	20940,85	27798,145	21876,73	751963,755
Жами:			10136818	3490140,8	418816,9	555962,9	437534,5	14934103,3

Сув таъминоти корхоналари хизмат кўрсатиш жараёнида ер усти ва ер ости сув манбаларидан фойдаланади. Бундай ҳолатда ишлаб чиқариш жараёни бир-биридан объектлар бўйича фарқ қилади. Бизнинг фикримизча, объектлар бўйича моддий харажатларни ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни бўйича алоҳида ҳисобга олиш харажатларни режалаштириш, назо-


ратга олиш, уларнинг захирасини яратиш, шунингдек, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ривожлантириш имконини беради. Биз томонимиздан моддий харажатларни объектлар ва ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари бўйича ҳисобга олиш учун махсус шакл тавсия этилмоқда (5-с шакл).

Моддий харажатларни объектлар ва ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари бўйича ҳисобга олиш [10]

№	Объект номи	Технологик жараёнлар	Хомашё ва материаллар	Хлор	Алюминий сульфат	Реактивлар	Спирт	Ёқилғи	Электр энергияси	Материал эгри харажатлари	Жами:
1.	1-объект	Сувни олиш	12620	3872	7966	449	332	23557	1166963	56	1216418
		Сувни тозалаш	8413	2581	5310	299	221	15705	777975	37	810945
		Етказиб бериш	21033	6453	13277	748	554	39262	1944939	094	2027363
2.	2-объект	Сувни олиш	9465	2904	5974	337	249	17668	875222	92	912313
		Сувни тозалаш	6310	1936	3983	224	166	11778	583481	28	608209
		Етказиб бериш	15775	4840	9957	561	415	29447	1458704	20	1520522
3.	3-объект	Сувни олиш	6310	1936	3983	224	166	11778	583481	28	608209
		Сувни тозалаш	4206	1290	2655	149	110	7852	388987	18	405472
		Етказиб бериш	10516	3226	6638	374	277	19631	972469	47	1013681
4.	4-объект	Сувни олиш	3155	968	1991	112	83	5889	291740	64	304104
		Сувни тозалаш	2103	645	1327	74	55	3926	194493	09	202736
		Етказиб бериш	5258	1613	3319	187	138	9815	486234	73	506840
Жами:			10516	32267	66386	3744	2771	196314	9724694	470	14934103

Ҳар бир технологик жараён калькуляциясида материал, ёқилғи, энергия ва ушбу жараён билан боғлиқ бошқа харажатлар акс эттирилиши лозим. Бунинг учун сув таъминоти корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларининг технологик жараёнлар бўйича ҳисобини юри-

тиш учун 2011-“Сувни олиш жараёнидаги ишлаб чиқариш харажатлари”, 2012-“Сувни тозалаш жараёнидаги ишлаб чиқариш харажатлари”, 2012-“Сувни етказиб бериш жараёнидаги ишлаб чиқариш харажатлари” ишчи счётларини киритиш лозим.



3-расм. Ишлаб чиқариш харажатларининг технологик жараёнлар бўйича ҳисоби [9]

Бугунги кунда сув таъминоти корхоналарида калькуляция технологик жараёнлар бўйича эмас, балки корхона бўйича умумий амалга оширилади. Таннарх калькуляциясини технологик жараёнлар бўйича амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Бундай калькуляция ҳар бир технологик жараён бўйича ой бошида режалаштирилиши, ой охирида ҳисоботи қилиниши лозим. Сўнгра ҳар бир технологик жараён таннархини акс эттирган ҳолда 1 куб метр сувнинг таннархи бўйича йўл қўйиб калькуляция қилинади. Бунинг зарурати шундаки, алоҳида жараёнлар таннархи ускуналарнинг унумдорлиги, технологик чизмаларнинг самарадорлигига боғлиқ.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Сув таъминоти корхоналарида калькуляция методикасининг ўзгариши қуйидагиларга имкон беради:

ҳар бир технологик жараён таннархини ўтган йиллар билан солиштириш, ишлаб чиқариш таннархига таъсир этган омилларни ўрганиш;

бир куб метр сувнинг ҳақиқий таннархини аниқлаш;

ҳар бир технологик жараён бўйича харажатларни камайтириш имкониятларини аниқлаш;

сув таъминоти корхоналарининг молия-ҳўжалик фаолияти назорати самарадорлигини оптималлаштириш.

Тадқиқотлардан кўринадикки, сувнинг ҳажми дастлабки келиб тушишида назорат қилинади. Ҳисоб ускуналари технологик жараёнга қабул қилинган сув ҳажмини ҳисобга олади. Бир технологик объектдан кейингисига узатилганда, сув ҳажми назорат қилинмайди. Ҳар бир технологик жараён бўйича сув сарфи инobatга олиниши лозим. Бу истеъмол қилинаётган сувни

ҳисобга олиш ва назорат қилиш, сув қувурлари тармоқларидаги аварияларни ҳисобга олиш, технологик қайта тақсимлаш жараёнларида сув йўқотишларини ҳисобга олиш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш имконини беради.

Хулоса ва таклифлар. Биз, энергия истеъмолини камайтириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз:

ички исрофгарчилик борасида қатъий чораларни қўллаш лозим;

хусусий ва кўп қаватли уйларда сув исрофининг ҳақиқий ҳолатини ўрганиш керак;

кўп сув ишлатиладиган биноларда сувдан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш лозим;

сув ҳисоблагичлар кўрсаткичлари кам бўлган биноларда сувдан фойдаланишнинг ҳақиқий ҳолатини ўрганиш мақсадга мувофиқдир;

сувни тежаш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш керак;

сув таъминоти тизимида енгил ва оғир жазо чораларини ишлаб чиқиш керак;

қулай ва ишончли маълумотларни олишга асосланган сув ҳисоблагичларнинг стандартлаштирилган турини яратиш мақсадга мувофиқдир;

сув ҳисоблагичларни ўрнатиш жараёнини тезлаштириш керак.

Шундай қилиб, сув таъминоти корхоналарида таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

техник модернизациялаш ва ресурс тежайдиган технологияларни жорий этиш;

технологик жараёнларни оптималлаштириш ва технологик йўқотишларни камайтириш.

маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4040-сонли қарори, 2018 йил 30 ноябрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳадаги инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6074-сонли фармони, 2020 йил 25 сентябрь.

3. Бадмажапова Ж.Э. Тарифно-ценовий механизм привлечения инвестиций в жилищно-коммунальное хозяйство региона в условиях реализации мероприятий по энергосбережению. // Журнал «Известия», № 1, 2015, с. 14.

4. Гембик Ю.С. Основные проблемы практического применения отдельных положений методических рекомендаций по расчету регулируемых тарифов в сфере водоснабжения и водоотведения. *UNIVERSUM: экономика и юриспруденция*. № 9 (42), 2017, с. 3.

5. Гембик Ю.С., Городкова С.А. Проблемы практического применения законодательного механизма определения расходов на оплату труда и объемов реализации услуг в сфере водоснабжения и водоотведения. *Вестник НГУЭУ*. № 4, 2017, с. 15.

6. Липатова Е.В. Организация управленческого учета и совершенствование системы формирования издержек на предприятиях водоснабжения и водоотведения. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Саратов, 2000. – 24 с.

7. Мельнов Д.А. «Повышение качества коммунальных услуг на основе модернизации коммунальной экономики: на примере услуг водоснабжения и водоотведения (на примере услуг водоснабжения и водоотведения)». Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – М., 2013. – 26 с.

8. Феованов Ю.А., Адельшин А.Б., Нуруллин Ж.С. Пути экономии энергоресурсов в системах водоснабжения. *Известия КГАСУ*. № 2, 2012, с. 7.

9. Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

10. "Тошкент сув таъминоти" МЧЖ Чирчиқ шаҳар бўлими маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.



ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ КЎП ОМИЛЛИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАР ТАҲЛИЛИ

Умаров Илхомжон Юлдашевич -
Андижон давлат университети
Иқтисодиёт кафедраси профессори,
иқтисодиёт фанлари доктори

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a42](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a42)

Анотация. Ушбу мақолада озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга таъсир этувчи кўп омилли эконометрик моделлар таҳлили юзасидан фикрлар берилган. Бундай вазиятда озиқ-овқат саноатига таъсир этувчи рақобат, ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот рақобатбардошлиги, корхоналар ўртасида рақобатдошликни ошириш ва у орқали эришишга имкон берувчи кўп омиллик эконометрик моделларнинг назарий-услубий жиҳатлари, амалий аҳамияти асосланган.

Калит сўзлар: озиқ-овқат маҳсулотлари, истеъмол даражаси, кўп омилли эконометрик моделлар, чизиқли боғлиқлик, эластиклик, ишончлик даражалари, детерминация коэффициенти.

АНАЛИЗ МНОГОФАКТОРНЫХ ЭКОНОМЕТРИЧЕСКИХ МОДЕЛЕЙ, УЧАСТВУЮЩИХ В РАЗВИТИИ ПИЩЕВОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ

Умаров Илхомжон Юлдашевич -
Андижанский государственный университет,
Экономический факультет профессор,
доктор экономических наук

Аннотация. Это статья дает представление об анализе многофакторных эконометрических моделей, влияющих на развитие пищевой промышленности. Теоретико-методологические аспекты, практическое значение многофакторных эконометрических моделей, которые в данной ситуации влияют на пищевую промышленность, конкуренцию, производственные мощности, конкурентоспособность продукции, повышают конкурентоспособность между предприятиями и позволяют добиться сквозного.

Ключевые слова: продовольственные товары, норма потребления, многофакторные эконометрические модели, линейность, эластичность, уровень надежности, коэффициент детерминации.

ANALYSIS OF MULTIPLE FACTOR ECONOMETRIC MODELS CONTRIBUTING TO THE DEVELOPMENT OF THE FOOD INDUSTRY

Umarov Ilkhomjon Yuldashevich -
Andijan State University, department of economics,
professor, doctor of economics

Abstract. This paper provides insights into the analysis of multifactor econometric models influencing the development of the food industry. Theoretical and methodological aspects, practical significance of multifactor econometric models, which in this situation affect the food industry, competition, production capacity, product competitiveness, increase competitiveness between enterprises and allow to achieve through.

Keywords: food products, consumption rate, multifactor econometric models, linearity, elasticity, reliability levels, determination coefficient.